

Зулҳижжа ойини аввалги ўн кунда айтиладиган зикрлар



15:00 / 02.07.2022 5040

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«... Маълум кунларда Аллоҳнинг номини зикр қилинглр», (Ҳаж сураси, 28-оят).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу «Маълум кунлар»ни зулҳижжанинг аввалги ўн куни, деганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана бунда (яъни, зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунда) қилинганидан-да афзалроқ амал йўқ», дедилар. Шунда саҳобалар: «Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳамми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, деб, «лекин бир киши моли ва нафсини хатарга қўйиб кўчага чиқсаю, ҳеч бир нарса билан қайтмаса, ана ўша афзалдир», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари

Имом Термизийнинг ривоятларида: «Солиҳ амаллар қилинган кунлар ичида зулҳижжа ойини ўн кундан кўра Аллоҳга маҳбуброқ кун йўқдир»,

дедилар, деб келади.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Дорамийнинг «Муснад»ларида ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Зулҳижжа ойининг ўн кундаги амалдан кўра афзалроқ амал йўқдир»**, деганларида, «Жиходдан ҳамми?» дейишди. *(Ровий ҳадисни охиригача зикр қилган.)*

Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дуоларнинг яхшиси арафа кундаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган калималарнинг яхшиси

«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир», деб айтишдир», дедилар».

Термизий заиф иснод билан ривоят қилганлар.

Имом Моликнинг «Муватто»ларида эса: «Дуоларнинг афзали арафа кундаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарларнинг айтган калималарининг афзали **«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ»** дир», деб келган.

Имом Молик бу ҳадисни мурсал ҳолатда лафзида ноқислик билан ривоят қилганлар.

Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу арафа куни бир тиланчи одамлардан тиланиб юргани кўриб: «Эй ожиз, бу кунда Аллоҳдан бошқадан ҳам сўраладимми?» дедилар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан олинди.